

ХХ АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ШЕЪРИЯТ ОБЗОРИ

Жамолова Зилола, БухДУ мустақил-изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек танқидчилигининг ХХ аср 80-йиллари адабий обзорларида шеърият қай даражада таҳлил қилингани ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: адабий танқид, шеърият, шоира, адабий обзор, таҳлил ва талқин, образ.

Бой анъаналарга эга бўлган адабиётимизни, яратилган асарларни баҳолашда, қўлга киритилган тажрибаларни умумлаштиришда шарҳ жанри муҳим ўрин эгаллайди. Адабий обзорда илмий-назарий хуносалар чиқариш, умумлаштириш ва ҳ.к. хусусиятлар устувор, шарҳ сўзи обзор атамасининг маъносини ўзида тўлиқ мужассам эта олмаслиги боис муаммони тўлиқ ўзида қамраб олган адабий-танқидий обзор ёки адабий обзор истилоҳини ишлатиш мақбул деган фикрларга қўшиламиз¹. Адабий обзор жанри ХХ асрнинг 10-йилларидан бошланган бўлиб, ҳар бир даврда муҳим жиҳатлар касб этиб ривожланиб борди. ХХ асрнинг 80-йилларида ҳам тараққий этди, ўша давр адабиёти, адабий ҳодисалари, ижод намуналари ҳақида маълумот бера олиши жиҳатидан ўрганилиши зарур адабий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбек танқидчилигига шеърият таҳлилига бағишлиланган адабий обзорларнинг баъзи намуналари таҳлили мунаққидларнинг бу жанрга ва шу орқали поэзия равнақига беътибор эмасликларини кўрсатади. Бундай адабий-танқидий обзорлар адабиётни, шеъриятни ривожлантиришда маълум аҳамиятга эгалиги кўринади.

Танқидчи Б.Норбоевнинг «Ёдда қолган шеърлар» деб номланган обзорида «Ёшлиқ» журналида 1983 йилда эълон қилинган шеърларга доир айrim мулоҳазалар ўртага ташланади. Танқидчи хотира ва қалб мулкига айланадиган шеърлар ҳам, умумий, маълум гаплар шунчаки қофияланган, эсда қолмайдиганлари ҳам эълон қилинганлигига диққатни қаратади. Обзор мақола муаллифи шеърларга талабчанлик билан ёндошади, кўпроқ уларнинг камчиликларини кўрсатишга ҳаракат қиласади. Шу жиҳатдан қараганда, адабий обзор ўз вазифасини бажаргани кўринади.

Шеърият таҳлилига бағишлиланган адабий обзорларни кузатганда, улар ҳам ўзига хос ички турларга бўлинниб, ривожланаётганлиги кўзга ташланади. Масалан, болалар шеъриятига бағишлиланган алоҳида обзорлар ёки ёш шоиралар

¹ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқиди жанрлари. Тошкент.”Фан”, 2008. 56-бет.

шеърлари таҳлил этилган адабий обзорлар ана шундай характерга эга.

Танқидчи А.Багировнинг «Олис, яқин юлдузлар...» обзори (1987) «ёш шоиралар изланишларига доир». Унда, энг аввало, танқидчи шеъриятда ёш шоиралар овозининг ўзига хос жаранг ва салмоқдор ўрни ҳеч кимга сир эмаслигини айтиб, кейинги ўн йилликлар ичидаги бу овоз ҳеч қачон бугунгичалик тиник ва таъсирдор, бугунгичалик фаол ва курашчан жарангламаганлигига диққатини қаратади. “Аммо ёш шоиралар ижодидаги камчиликлар ҳақида танқидчи ҳеч нарса демайди, шу боис обзор мақолага хос умумлаштириш қиёмига етмагандек туюлади ўқувчига. Бу адабий-танқидий обзор мақолада китобхон диққатини торта оладиган - танқидчининг образли фикр юритиш фазилатини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Бу хусусият танқидчининг ёш шоиралар ижодидан руҳ ва маънавий озуқа олганлигидан, шу билан бирга «танқидда нима ифодалангани муҳим бўлиб қолмасдан, қандай ифодаланиши ҳам муҳимлиги”га эътибор қаратганлигидан далолат беради”².

Саксонинчи йилларда бир неча шеърий китобларини нашр эттирган М.Улуғова, Қ.Рахимбоева, О.Суюндиқова, Ф.Камолова, Д.Исҳоқова каби ўзига хос овозлар ижодига катта умид билан қараган танқидчи уларнинг шеърларини таҳлил қиласди. “Ёш ижодкорнинг, аввало, ўз қалбига яқин туйғуларга, ўз дунёсига таниш мавзуларга майл кўрсатиши табиий. Бу маънода фикрнинг гўзал ва таъсирчан ифодаси йўлидаги изланишлар, мустақил мушоҳада тарзи ва ўзига хос услубий қирралар мазкур шоираларни бир-биридан қанчалик ажратиб турса, мундарижа муштараклиги, кўпроқ дунёқараш ва ижодий тажриба билан боғлиқ мавзу қўлами уларни шунчалик яқинлаштиради”³. Шу жиҳатдан муаллиф шоираларнинг Она образини яратишдаги ўзига хосликларини очиб беради. М.Улуғова бу азиз сиймони “тушларига кириб чиқсан юлдузга” қиёс этиши, Қ.Рахимбоева Она образини Замин ва Осмон ҳақида тасаввурлар билан боғлаши, О.Суюндиқова “бу улугвор образ олдида ўз ҳайратининг чексизлигини ва қатламининг ожизлигини чуқур ёнги билан” эътироф этиши, Ф.Камоловада эса Она соғинчи сирдош юлдузларга ва олис уфқларга бориб туташишини кўрсатиб берар экан, шеършунос танқидчи “Она образи билан боғлиқ равишда ёш ижодкорларнинг дунёсида Она юрт образи пайдо” бўлишига ҳам диққат қаратади. Шу билан бирга ҳар бир шоира шеърларидаги муҳим жиҳатларни очиб беришга интилар экан, танқидчи фикрларининг исботи учун Мухтарамада “Юлдузлар сир айтишиб тўккан Кўз ёшлари баргларида титрар”, Кутлибекада “Нигоҳим шунчалар соғинчни Кўтара олмайди бу-офир”, Ойгулда “Суратга туширас мени сукунат, Суратга туширас таниш япроқлар”, Фарогатда “Қор қуйилар оқармокда хижрон йўли”, “Оқ байроқ кўтариб чиқар дараҳтлар” каби янгича, жозибали

² Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби. Ф.Ф.доктори.....дисс. Т.2010.83-бет.

³ Бағиров А. Олис, яқин юлдузлар// Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1987, 6 март. № 10.

ўхшатишларга бой ўнлаб мисраларни мисол тариқасида келтиради.

Адабий обзорда шеърлари таҳлил этилаётган шоираларнинг жаҳон шеърияти намуналарини, айниқса, М.Цветаева, А.Ахматова, Ёсано Акико, Эдит Сёдергран, Б.Ахмадуллина каби шоирлар ижодини чуқур мутолаа этиши ва муваффақиятли таржима қилишлари ижодий ўсишларида самарали таъсир кўрсатганигини, Қ. Раҳимбоева сатрларида Поль Элюарнинг “Озодлик” шеърининг акс-садоси сезилиб туриши, Фароғат, Ойгул шеърларида А.Орипов, Р.Парфи ижодининг таъсири тақлид тушунчасидан фарқ қилиши, изланишлари ижобий моҳият касб этиши таъкидланади. Энг муҳими, муштарак жиҳатлар билан бирга бу шоираларнинг ҳар бири ўз мустақил дунёсини яратиш йўлида жиддий изланишлар олиб бораётганлигини қониқиши билан кўрсатади:”Муҳтарамада хаёлотнинг олис ва яқин уфқларини Севги қутбида бирлаштиришга интилиш устунлик қилса, Қутлибеканинг ҳиссий-фикрий оламининг марказида Ҳайрат туради. Фароғатда қалб манзараларини Соғинч фаслининг ранглари билан чизишга майл кучли бўлса, Ойгулни кўпроқ болалик хотиралари билан бугуннинг саёҳатлар таассуроти ўртасидаги муносабат ўйлантиради. Дилором эса туйғу ва кечинмалар қуюнидан бир мантиқ ва мувозанат излайди”⁴.

Адабий обзорда ёш шоираларнинг шеърий тўпламлари, уларнинг ўзига хослиги ҳақида юқори пафос билан фикр юритган танқидчи таҳлилларини ўқир экан, китобхонда бу ижодкорлар шеърларида камчилик учрамайдими деган савол туғилиши табиий. Обзорчи мана шу жиҳатга ҳам эътибор қаратиши адабий обзорнинг мукаммал чиқишини таъминлаган бўлур эди назаримимзда. Тўғри, мана орадан қарийб 30 йилдан ортиқ вақт ўтди, бу ёш шоираларнинг аксарияти (Д.Исҳоқова жуда кам кўринишини инобатга олмагандан) шеърият бўйтонида ўз ўрнига эгалигини намоён этиб, танқидчи умидларини рўёбга чиқарди десак адашмаймиз. Шу билан бирга адабий обзор танқидчининг илмий-бадиий тафаккури кенглиги ва ўзига таҳлилларни амалга оширганини, ўқувчини ўзига жалб этадиган “Образли лирик-публицистик рух танқиднинг таъсирчанлигини оширадиган воситалардан” эканлигини ҳам ёрқин намоён этади.

⁴ Бағиров А. Олис, яқин юлдузлар:// Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1987, 6 март. № 10.